



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саниова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Мухаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергенов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислом Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



**Ислом Эгамкулович Қаршиев,**  
Жиззах давлат педагогика университети  
E-mail: Islomqarshiev0505@gmail.com

### МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Islam E. Karshiev, ANALYSIS OF MYSTICAL IDEAS IN THE VIEWS OF THE THINKER SUFI OLLOYAR. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.203-208

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485344>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада буюк ўзбек шоири ва мутасаввиф Сўфи Оллоёр қарашларида тасаввуфий ғоялар талқини ва унинг тасаввуф таълимотига қўшган ҳиссаси фалсафий тадқиқ қилинган. Шунингдек, тасаввуф фалсафаси намояндаларининг Сўфи Оллоёр ҳаёти ва ижодига таъсири масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** тасаввуф, тариқат, дин, дунёқараш, Куръон, ҳадис, шоир, ғазал, ишқ, маърифат, садоқат, сабот, зикр, тавба, таълим, тарбия, анъана, ахлоқ, қадрият.

**Ислам Эгамкулович Қаршиев,**

Джизакский государственный педагогический университет

### АНАЛИЗ СУФИЙСКИХ ИДЕЙ ВО ВЗГЛЯДАХ МЫСЛИТЕЛЯ СУФИ АЛЛАЯРА

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье философски исследуется интерпретация суфийских идей в воззрениях великого узбекского поэта и мистика Суфи Аллаяра и его вклад в суфизм. Также освещаются вопросы влияния представителей суфийской философии на жизнь и творчество Суфи Аллаяра.

**Ключевые слова:** суфизм, секта, религия, мировоззрение, Коран, хадис, поэт, газель, любовь, просвещение, набожность, стойкость, память, покаяние, образование, воспитание, традиция, нравственность, ценность.

**Islam E. Karshiev,**

Jizzakh State Pedagogical University

### ANALYSIS OF MYSTICAL IDEAS IN THE VIEWS OF THE THINKER SUFI ALLAYAR

**ABSTRACT**

In this article, the interpretation of Sufi ideas in the views of the great Uzbek poet and mystic Sufi Allayar and his contribution to Sufism are philosophically researched. Also, the issues of the influence of representatives of Sufi philosophy on the life and work of Sufi Allayar are covered.

**Index Terms:** Sufism, sect, religion, worldview, Koran, hadith, poet, ghazal, love, enlightenment, devotion, perseverance, remembrance, repentance, education, upbringing, tradition, morality, value.

**Кириш:**

Салафлардан маънавий озуқа олган Сўфи Оллоёр адабий мероси ўзбек мумтоз адабиёти, тасаввуф ва ўзбек маърифатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Сўфи Оллоёр хизматларининг буюклиги шундаки, агар Хожа Аҳроп Вали, Махдуми Аъзам каби бобокалонларидан сўфия тариқати таълимотларни ижтимоий ҳаётта ташвиқ этишда намуна кўрсатган бўлсалар, Суфи Оллоёр бу тариқатнинг барча даврлар учун долзарб, миллий мадрасаларнинг таълим тизимига олиб кирди. Ўз ижодида комил инсонни тарбиялашни бош мақсад қилиб олди. У ўзининг ана шу хизмати билан даврларнинг, миллионлаб кишиларнинг муаллими ва мураббийига айланди, буюклик касб этди[3:17-18]. Сўфи Оллоёрнинг, айниқса, икки асари – “Маслак ул-муттақин” ва “Сабот ул-ожизин” анъанавий давлат тили бўлиб келган форсий ва туркий адабий тилларни улуғлади ва ўзининг бу фаолияти билан Сўфи Оллоёр Чин (Хитой)дан Шом (Сурия)гача, Оқ Эдил (Волга) бўйларидан хинд сарҳадигача бўлган минтақаларда яшовчи туркий ва форсийзабон халқларни яққалам қилди. Яъни, уларни бир исломий-ахлоқий, фалсафий-эстетик, мафкуравий ялов остида бирлаштирди. Бу эса ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий давр ҳамда сиёсий муҳитларда унча-мунча мутафаккир ижодкор қўлидан келаверадиган иш эмас эди. Сўфи Оллоёр буюклигининг туб боиси, аввало, ана шунда. Негаки, унинг бу саъй-ҳаракати туфайли курраи заминнинг турли минтақаларида яшовчи халқлар бир-бирлари билан яқинлашадилар, бир-бирларининг маърифатларидан хабардор бўладилар[3:18].

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review):**

Рус олими А.Ф. Акимушкин инглиз тасаввуфшуноси Ж.С.Тримингэмнинг “Исломдаги сўфий тариқатлар”[10:208] китобига ёзган сўз бошисида шундай савол қўйиб, унга бундай жавоб беради: “Афсуски, ҳозирги пайтда тасаввуфга бир тизим сифатида аниқ таъриф бериш мумкин эмас, чунки фанда бу фавқулудда мураккаб, кўп йўналишларга эга ва ҳаддан ташқари ранг-баранглик касб этган, бутун ислом олами ва Испания, Сицилия ҳамда Болқонда ҳам кенг тарқалган диний дунёқараш ҳақида ягона хулоса шаклланган эмас”[1:]. О.Ф.Акимушкиннинг яна қайд этишича,, “тасаввуф” истилоҳи 1821 йили олмон диншунос профессори Ф.А.Толук томонидан илмий муомалага олиб кирилган[10:209].

Сўфийлик ҳаракатининг жарчилари дейиш мумкин бўлган бу зоҳидлар аҳд қилиш, мўминлик, қўшимча зоҳидлик амалларини бажариш, узоқ тунги бедорлик, Қуръон матни устида тафаккур қилиш, шунингдек, Худога ўзини фикран ва руҳан тўла бағишлаш орқали Худо билан ботиний яқинликка эришишга интиланлар. Улар Худога яқинлашишга интилар эканлар, Қуръоннинг қуйидаги оятларидан илҳом олдилар: «Сиздан (Эй, Муҳаммад) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этурман» (2:186[4:16]), «Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз» (50:16), «Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда Аллоҳнинг «юзи» мавжуддир» (2:115).

Сўфи Оллоёр нақшбандия тариқатига мансуб эканлигини асарнинг ҳамд қисмидаёқ айтиб ўтган. Ўзининг эътироф этишича, тариқатга йўллаган, тасаввуфнинг сир-асрори, роҳу равишидан таълим берган аввалги пири муршиди Хожа Наврўздир. Сўнгра бухоролик машхур нақшбандий шайхи Ҳабибуллоҳ эшонга қўл бериб, ўзи ҳам шайхлик даражасига эришган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology):**

Ғарб илми маъносида бўлса, бу гап тўғридир ҳам. Аммо “тасаввуф” истилоҳи ислом Шарқининг ўзида пайдо бўлган ва бевосита ана шу фалсафа ҳамда шу назарияга бўйсундирилган руҳий тарбияга асосланган амалиётни билдириб келган. Бинобарин, Сўфи Оллоёр ва Хувайдо маънавий устоз деб билган Алишер Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидаги 306-ғазал бевосита тасаввуф шарҳига бағишланган. Ғазалнинг биринчи ва охири мисралари бевосита ана шу “тасаввуф” сўзини қофияга олиш билан тугайди. Иккинчи ва учинчи байтлар эса “тасаввуф” сўзи билан бошланади. Шу тариқа шоир бор-йўғи етти байтли ғазалнинг тўрт байтида “тасаввуф” сўзини қайта-қайта ишлатган.

Мазкур ғазалнинг Навоий тузган дастлабки икки девон-“Бадойиъ ул-бидоя”-ю “Наводир ун-нихоя”да йўқлигидан ҳам билса бўладики, шоир бу асарини 1487 йилдан кейин битган. Энди ғазални байтма-байт кўздан кечирсак.

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,-  
Ки зотида мавжуд эмастур тахаллуф.

Демак, кимгаки тасаввуф йўлини тутиш насиб бўлган экан, энди унинг жисмида фикрдан қайтиш, бу йўлдан тониш йўқ. Билиниб турибдики, тасаввуфнинг кишидан кучли қатъийлик талаб қилиши уқтирилмоқда.

Тасаввуф ризо аҳлидин яхши ахлоқ,  
Эрур истилоҳи зебу такаллуф.

Тасаввуф шундай бир маърифий йўлки, унга кирган киши ўзини худди беихтиёр одамдек ҳис қилади. Шунинг учун энди унда на бирон нарсанинг тараддуди ғами бор ва на бирон ишдан афсусланиш. Нега? Чунки:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудии,  
Навоий, муни бил тариқи тасаввуф.

Демак, тасаввуф йўлига кирган киши ўз вужудини Ҳақ, яъни Аллоҳ вужудида маҳв, яъни йўқ қилади. Сўнгги мисрада шоир ўзига ўзи мурожаат қилади: эй Навоий, худди ана шуни сен тасаввуф йўли, деб билгин![6:96]

Шоир руҳиятига, ботиний дунёсига таъсир қилган пирларини васф қилар экан, ҳатто ижод қилишида ҳам улардан маънавий мадад етиб турганлигини фахр билан эслаб ўтади.

Байтларга диққат қилсангиз, шоир яратган Эгам даргоҳига сидқидилдан тавба-тазарру қилиб, ундан маърифат ва ҳақиқат йўлини кўрсатишни ёлвориб сўрайди:

Аз таоми қаноатам кун сер,  
Раъси миннат, ба пой ҳиммат зер.  
Қоматамро либоси такво нех,  
Ҳарчи талбам аз онам ақво нех[8: 16].

Қаноат таомидан мени тўйдир, миннат бошини ҳиммат оёғи остида янч. Ўзни кўз-кўз қилишдан, кибрдан йироқ тут. Манъ этилган нарсаларга бизни бир қарич ҳам яқинлаштирма. Расулulloҳ шариатларининг буйруқларидан бизнинг ишимизни зиёда-ю кам қилма. Қоматимга такво либосини бер, ҳар насаки Сендан талаб қилсам, ундан ортиқроқ қилиб бер[8:16].

Сўфи Оллоёрнинг бу асарларида Қуръони карим оятлари, ҳадиси шариф ҳикматлари ва тасаввуф ғоялари узвий боғланиб кетган. Файласуф ожизларга, йўлдан озганларга ҳидоят ва нажот йўлини кўрсатиб берган. Толибларга тўғри йўл кўрсатган. Инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқ, орифлик, ошиқлик, хилват ва узлатни тўлиб-тошиб куйлаган, нафс ва худбинликни қаттиқ танқид қилган. Дунё лаззатларидан воз кечиб, ўзни Ҳақнинг инон-ихтиёрига топшириш фалсафасини илгари сурган. Марказий Осиёда кенг тарқалган яссавия-жаҳрия тариқати ғоялари учун курашган.

Сўфи Оллоёр шеърларида дунёвий ишқ-муҳаббатни ҳам васф этган. Шоир ғазалларида кўлланилган маънавий-фалсафий, бадий-тасвирий воситалар киши диққатини тортади:

Наргиси мастинг хумори бодадин гулгунмудир?  
Ё будурким лозазор ичра тушан ваҳши ғизол...[5:52-53]

Сўфийликдан мақсад Ҳақни кўриш ёхуд унга қўшилиш эмас, балки Аллоҳ

маърифати, унга муҳаббат қўйиш, унга амалда бўйсунуш ва нафс тарбияси орқали Унинг муҳаббатини қозонишдир. Сўфи Оллоёр таълимоти бўйича, маърифат икки хилдир: «Маърифати Зот» ва «маърифати Сифот». Маърифати сифотнинг ниҳояси бор. Аммо маърифати зотнинг охири йўқ. Ҳеч бир амал билан уни охиригача билиш мумкин эмас. Инсон олам инқирозигача ривожланиб, камолот топиб борган тақдирда ҳам Аллоҳ зотини била олмайди. Илоҳий ишқни мақсуди аслий деб уринган одам бора-бора йўлда адашади. Улуғ мутафаккир асл сўфийлар қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак деб ҳисоблаган:

Дилу жон бирла бўлган ошиқи зор,  
Хилофи ҳукмин этмас зарраи кор.  
Кишиким қилса ошиқликнинг лофин,  
Қилурми ҳеч маъшуқин хилофин[13:65].

Шуни ҳам эътиборга олмақ лозимки, Сўфи Оллоёр сўфийларни улуғлаганда, асосан, Х асргача ислом тарихида тақво ва парҳезкорлиги билан машҳур бўлган сиймоларни назарда тутди. Бу унинг кўп ўринларда «Тариқи Мустафо» деган номни тилга олишида ҳам кўринади. Шу ўринда Сўфи Оллоёр исломнинг мумтоз ахлоқий нормаларини жамиятга олиб киришга урингани ҳақида илгари сурган тахминимиз ҳам муайян тасдиғини топади[13:65].

Адабиётшунос Р.Орзибеков фикрича, ўзбек мумтоз адабиёти тарихидаги диний-тасаввуфий қарашларни фалсафий бадиий-ташвиқий йўсинда давом эттириб, бир қанча салмоқли маснавий асарлар яратган илоҳиётчи мутафаккир шоирлардан бири Сўфи Оллоёрдир. Унинг ўзига хос бой меросини чанг ғуборлардан тозалаб, холис ўрганиш ва баҳолашга мустақиллик йилларида киришилди. Ҳозиргача бир қанча муҳим илмий-тадқиқотлар юзага келди. «Сабот ул-ојизин» асари икки марта чоп этилди.

Унинг адабий мероси ва ўзбек адабиётидаги анъаналари бўйича истеъдодли адабиётшунос олим ва мударрис Иноятулла Сувонкулов 1997 йили докторлик диссертацияси ёқлади, ўнлаб илмий мақолалар, рисоалар нашр эттирди. Профессор Ш. Сиројиддиновнинг 2001 йили нашр қилинган «Сўфи Оллоёр илоҳиёти» асари ҳам бу мутафаккир шахсинг «Сабот ул-ојизин» асаридаги зоҳирий ҳамда ботиний мазмунни, бу асарнинг диний-исломий асарлар туркумида тутган ўзига хос ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди[7:68].

Аллоҳни англаш ва унга меҳр қўйиш, Аллоҳга хос юксак сифатларни улуғлаш диний-тасаввуфий адабиётда ўзига хос анъана эканлиги кўрсатилади. Аллоҳнинг, шубҳасиз, бирлиги ва танҳолигини баён этишда Сўфи Оллоёр Аҳмад Яссавий фикрларини давом эттирган. Агар Аҳмад Яссавий Аллоҳга «Ҳам яккасан, яғонасан, бешак ҳозир, қўлум тутуб йўлга солғил», деб мурожаат этса, ана шундай қарашларни Сўфи Оллоёр қуйидагича давом эттирган:

Эрур ул барча оламнинг Худоси,  
Анинг йўқ ибтидоси, интиҳоси[9:8].

#### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results):**

«Саботул-ојизин» манзумаси билан Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги диний-тасаввуфий қарашлар ҳам қиёсий ўрганилган бўлиб, бу Сўфи Оллоёр ижодидаги анъанавий таъсирлар манбаини чуқур англаш имконини берди. Профессор А.Ҳайитметов «Ҳайрат ул-аброр»даги исломий таълимот таърифларига бағишланган мақоласида шундай ёзади: «Исломда, албатта, биринчи масала Аллоҳга муносабат, унинг якка-яғоналигини, дунёда унга тенг келадиган, унга шерик бўладиган мавжудот йўқлигини, оламни яратувчиси, ҳаракатга келтириб турувчиси ва хоҳласа, уни йўқ қилиб юборувчиси эканини, яъни мислсиз куч-қудратга эга, оламда бор нарсалар ҳаммаси унинг ҳукмида эканини тан олишдир. Навоий ўз «Хамса»сини, яъни унинг биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»ни ёзишга киришар экан, аввало, шу илоҳиёт масалаларига муносабатини баён этади»[11].

#### **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results):**

Мутафаккир бу дунёда яшашдан мақсад фақат дунё тўплаш, қийинчиликларсиз ҳузур-ҳаловатда ва дунё лаззатларини кўпроқ тотиб қолиш пайида бўлмаслигига диққатни қаратади. Қуръони каримда айтилади: «Дунё ҳаёти шунчаки бир ўйинчоқ эрмак, зийнат, ўзаро керилиб, мақтанмоғингиз ҳамда бойлик ва бола-чақа хусусида бир-

бирингиздан ўтмоққа интилноғингиз бўлиб, ул бир ёгин кабидурким, (ундирган) экин-текини, ўт-ўланлари дехқонларни таажжубга солади, кейин эрса, қарасанг куриб, сарғайиб синиқ чўп бўлиб ётади. Охиратда қаттиқ азоб берилмоғи бордир. Дунё ҳаёти алданмоққа сабаб бўладиган нарсадан ўзгаси эмас!» (Ал-Ҳадид сураси) Соғлом эътиқод ва унинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш инсонни фақат хайрли ишлар билан шуғулланишга, маънавиятини эзгулик нурларига буркашига, ўткинчи дунё неъматларига тамомила берилиб кетмаслигига ёрдам беради. Нафс эса инсонни ҳамиша соғлом эътиқодга зид ишларга ундайди[12:123].

Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин»ни яратишда икки буюк чашмадан озиқ олди. Биринчиси, ислом таълимоти ва унинг муқаддас китоби ҳисобланган Қуръондаги эзгулик тафсилотлари, ҳадислар, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, шунингдек, бошқа дин-тасаввуф намояндаларининг ибратли ҳаёт йўли. Иккинчиси, адабий анъаналар бўлиб, ислом таълимоти ва унинг мақсад-моҳияти тарғиб қилган бадиий асарлар. Бу ўринда, айниқса, Султон ул-орифин шайх Яссавий, Боқирғоний, Рабғузий, Навоий, Бобур асарларининг таъсири сезиларлидир.

Ислоний таълимот араб халқи ўртасида шаклланиб, сўнгра бошқа, жумладан, туркий халқлар ўртасида тарқалгани учун уни тарғиб қилган бадиий адабиётни ҳам арабий сўзлардан айрича тасаввуф этиш мумкин эмас. Чунки ислом таълимотининг асосини ташкил этадиган ва тамаларнинг ҳаммаси арабча сўзлардир. Шу сабабли ҳам Аҳмад Яссавий ёки Сулаймон Боқирғоний шеърларида арш, ваҳдоният, гуноҳ, дўзах, ёзуқ, зикр, махшар, охират, сирот, субҳонфано, Холик, қиёмат, ғайб, Ҳақ каби кўплаб диний-тасаввуфий тушунчаларга тегишли арабча сўзлар қўлланилган. Зотан, уларни ишлатмасдан диний ёки тасаввуфий таълимотнинг моҳиятини англаш мумкин эмас. «Саботул-ожизин»да ҳам диний, ҳам тасаввуфий атамалар кенг қўлланилган. Масалан:

Ҳидоят пирига топшур қўлумни,  
Иноят қўйига кенг қил йўлимни[2:18].

Диний-тасаввуфий ғоялар шайх-шоир асарлари қат-қатига сингиб кетган: унинг кўплаб фикру мулоҳазалари, ташбеҳ ва тазодлари пайғамбару авлиёлар, етук тасаввуф намояндаларнинг ибратли ишлари ва сўзлари билан боғлиқ. Чунончи, қуйидаги байтда қашшоқлик кишини хор қилмайди, агар шундай бўлганда, қора танли Билол пайғамбарлар сарвари Муҳаммад алайҳиссаломнинг суюкли сафдошлари бўлармиди, деган қарашни илгари суради:

Агар дунёси йўқдан бўлса эр хор,  
Муҳаммадга Билол бўлмас эди ёр.  
Мана бу байт эса Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосига қурилган:  
Наби айтди: «Қиёмат бўлса, эй дўст,  
Таъмагирни юзида бўлмагай пўст»[14:353].

Мутасаввиф муаллифнинг ўзи ҳам «Сабот ул-ожизин» ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим фан бўлган ақида (ақоид) масалаларининг туркийдаги шарҳи эканлигини таъкидлаган.

## Иқтибослар/Сноски/References:

1. Акимушкин О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем-В кн: Тримингэм Дж. Суфийские ордены в. Исламе. – М., 1989. (Akimushkin O.F. Sufi brotherhoods: a complex knot of problems-In the book: Trimmingham J. Sufi orders in. Islam. – М., 1989.)
2. Аллаёрова Нилуфар Яхшиноровна. Сўфи Оллоёр “Саботул-ожизин” асарининг маърифий йўналиши ва бадиияти. Автореферат. –Самарқанд: 2002. (Allayorova Nilufar Yakhshorovna. The educational direction and artistry of the work "Sabotul-ojizin" by Sufi Olloyor. Abstract. – Samarkand: 2002.)
3. Иноятулла Сувонкулов. Қалб гавҳари. –Т.: Янги аср авлоди, 2006. (Inoyatulla Suvankulov. Gem of the heart. - Т.: New age generation, 2006.)
4. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. Таржимон ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз

- Мансур. –Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2001. (Translation of the meanings of the Holy Qur'an. The translator and the author of the comments is Abdulaziz Mansur. - Т.: "Tashkent Islamic University" publishing house, 2001.)
5. Масъул муҳаррир М.Хайруллаев. Буюк сиймолар, алломалар / Бобораҳим Машраб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. (Responsible editor M. Khairullaev. Great figures, scholars / Boborahim Mashrab. – Tashkent: Literature and art publishing house named after Gafur Ghulam, 1997.)
  6. Муаллиф-тузувчи. Зафаржон Жўраев. Ғойиблар хайлидин ёнган чироқлар. –Т.: Ўзбекистон, 1994. (Author-compiler. Zafarjon Joraev. The lights of the disappeared. - Т.: Uzbekistan, 1994.)
  7. Орзобеков Р. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.(Orzibekov R. History of Uzbek literature. - Т.: Publishing House of the Literary Fund of the Writers' Union of Uzbekistan, 2006.)
  8. Сайфиддин Сайфуллох, Акрам Дехқон. Маслакул муттақин. –Т.: Мовароуннаҳр, 2007.(Sayfiddin Sayfullah, Akram Dehkan. The job is open. - Т.: Movarounnahr, 2007.)
  9. Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. –Т.: Чўлпон, 1991. . (Sufi Oloyor. Sabotul is weak. - Т.: Cholpon, 1991.)
  10. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в Исламе. – М., 1989. (Trimingham J.S. Sufi orders in. Islam. – М., 1989.)
  11. Ҳайитметов А. «Хамса»да ислом нури // «Ўзб. адаб. ва сан.», 1996, 26 апрел. (Hayitmetov A. The light of Islam in "Khamasa" // "Uzb. manners and no.», 1996, April 26.)
  12. Шухрат Сирожиддинов. Илм ва тахайюл сарҳадлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2011. (Shuhrat Sirojiddinov. Frontiers of science and imagination. - Т.: New age generation, 2011.)
  13. Шухрат Сирожиддинов. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. –Тошкент: 2001. (Shuhrat Sirojiddinov. Theology of Sufi Olloyar. Part I. -Tashkent: 2001.)
  14. Эргаш Очиллов. Барҳаёт сиймолар. –Т.: Ўзбекистон, 2012. (Ergash Ochilov. Living figures. - Т.: Uzbekistan, 2012.)

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000